

44.6
p-28.

А.А.РАХМАТУЛЛАЕВ, М.Х.ШОМИРЗАЕВ,
Х.БЕРДИЕВА, Х.К.МУХАММАДИЕВА

ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ДИНАМИКАСИ



74.6
P-28

2

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**А.А.РАҲМАТУЛЛАЕВ, М.Х.ШОМИРЗАЕВ,
Х.БЕРДИЕВА, Х.К.МУҲАММАДИЕВА**

**ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР
ТАЪЛИМ
САМАРАДОРЛИГИНИНГ
ДИНАМИКАСИ**

ТОШКЕНТ
«ABU MATBUOT-KONSALT»
2015

TerDU Ақид
№ 31945

УЎК:371.3 (072)

КБК: 74.202.4

И 61

Масъул мухаррир:

Парда Алимов – филология фанлари номзоди, доцент.

Такризчилар:

Ширинбой Олимов – Бухоро муҳандислик технология институти «Ижтимоий фанлар» кафедраси профессори, п.ф.д.

Муслима Бозорова – Термиз Давлат университети «Педагогика ва психология» кафедраси мудири, п.ф.н., доцент.

Интерфаол методлар таълим самарадорлигининг динамикаси [матн] услубий қўлланма: А. Раҳматуллаев [ва бошқ.]:–Тошкент: «ABU MATBUOT-KONSALT», 2015.–60 б.

КБК 74.202.4

Ушбу методик қўлланмада замонавий интерфаол методлар, уларнинг турлари ва таснифи, таълим-тарбия жараёнига замон талаблари асосидаги инновацион илмий ёндашувлар ўз аксини топган.

Мазкур методик қўлланмадан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг касбий-педагогик салоҳиятини ошириш ҳамда маҳорат кўникмаларини янада юксалтириш учун зарурий маслаҳатлар ўрин олган. Шунингдек, методик қўлланмадан умумтаълим мактабларининг фан ўқитувчилари ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари тингловчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Методик қўлланма Термиз давлат университети Ўқув-услубий кенгашининг 2015 йил 24 октябрдаги 10 сонли йиғилиш қарори билан нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида эгаллаган ўрни унинг интеллектуал салоҳиятли ёшлари билан белгиланади. Шу боис, юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ва етук малакали кадрлар килиб тайёрлаш масаласи давлат сиёсатининг бош мақсадига айланди. Дарҳақиқат, Юртбошимиз И.А.Каримов таълим соҳасидаги ислохотларнинг асл моҳияти ҳақида фикр юритар экан: *«Юқори малакали, замонавий билимларга эга бўлган, ҳозирги кун талаблари асосида фикрлай оладиган етук кадрларни тайёрлаш ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий муаммоларимизни ҳал этиш калити ҳисобланади»¹*, - деб алоҳида таъкидлайди.

Президентимиз томонидан илмий асослаб берилган таълим-тарбияга доир фикрларни амалиётга татбиқ этиш ўқув жараёнини замонавий технологиялаш билан узвий боғлиқдир.

Юрт истиқболини, келажагини миллий таълим-тарбия белгилаб беради. Шундай экан, ўз вақтида узоқни кўзлаб қабул қилинган, дунёда ўхшаши кам бўлган умуммиллий дастуримиз туфайли замон ва халқаро талабларга жавоб берадиган таълим-тарбия бўйича яхлит тизим, ўзига хос «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилинди. Мазкур қонунлар узлуксиз таълим тизимининг ривожини таъминловчи янгича талқиндаги концепциянинг яратилиши учун замин бўлди.

Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз таълим тизимида янги босқични бошлаб берди.

Ҳозирда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида 141 тадан

¹ «XXI аср – интеллектуал авлод асри» . - Т., Шарқ. 2015.

ортиқ академик лицей, 1400 дан ортиқ касб-хунар коллежлари фаолият юритмоқда. Бу билим масканларини ўқув лаборатория жиҳозлари, ахборот технологиялари, компьютер ускуналари билан таъминлаш; мазмунини янада такомиллаштириш, ўқув бинолари, устахоналарининг ташқи ва ички кўринишининг кўркемлиги ҳамда замонавийлигига катта аҳамият берилди.

Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича касб-хунар коллежлари учун ўқитувчилар тайёрлайдиган таълим муассасалари зиммасига бўлажак кадрлар салоҳиятини юксак даражага кўтариш каби муҳим вазифани юклади.

Юртимизда замонавий педагогик технологиялар кенг миқёсда ҳаётга татбиқ этилиб, таълимнинг мазмун-моҳияти тубдан миллий руҳда ўзгармоқда. Бу эса таълим-тарбия жараёнига янгича мазмун олиб киришни, янгича талқинлар, илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ этишни талаб қилади. Чунки айнан шу ёшларнинг бугунги таълим-тарбиясининг сифати ёрқин келажагимизни белгилаб беради.

Глобаллашув жараёнида замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан дарсларда мақсадли фойдаланиш ўқувчиларнинг психофизиологик ривожланишига айнан мос келади, ўқув машғулотларини янада қизикарли ташкил этиш имконини беради, ўқитиш мазмуни, шакли ва методларига ижобий таъсир кўрсатади.

Таълимни модернизациялаш – таълимнинг энг яхши анъаналарини сақлаган ҳолда менталитетимизга ҳамда қадриятларимизга мос замонавийлаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлардир.

Педагогик жараён динамик тизим бўлиб, унинг доимий ўзгариши ва янгиланиб боришини назарда тутсак, бун-

да бош мақсад унинг тизим ҳосил қилувчи элементи ҳисобланади ва таълим жараёнининг барча ташкил этувчи таркибий қисмларини тик чизиқ бўйича бир-бирига боғланишини таъмин этади. Тизимнинг горизонтал бўйича муваффақиятлилиги эса, бу жараён иштирокчиларининг тайёргарлиги ҳамда ривожланишини белгилайди.

Таълим тизимида илмий ютуқларга таянган инновацион масалалар муҳимдир. Педагогик инновация ўқув-тарбиявий жараёнларнинг боришига ижобий таъсир кўрсатади ва таълим сифатини янгилайди, самарадорлигини оширади.

Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчилар томонидан интерфаол методларнинг ўринли, мақсадли қўлланилиши ўқувчиларда ўзгалар фикрини тинглай олиш, мулоқотга киришиш, жамоавий фаолият юритиш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантикий боғлиқликни топа олиш қобилиятларини шакллантириш учун кенг имкониятлар яратади.

Замонавий педагогик технология ва интерфаол методлар таълим тизимида ўзига хос мўъжизадир. Яхши куй ва кўшиқдан кўнгул баҳра олгани каби, педагогик технология ва интерфаол методлар ҳам ўқувчининг интеллектуал салоҳиятини шакллантиришда, фикрлар ранг-баранглигини вужудга келтиришда аҳамиятлидир.

Юрт эртасининг бунёдкорлари бўлган замонавий ўқитувчига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири – улар ҳар доим янги талқиндаги бирор ғояни ўйлаб топишга интилиш хусусиятини ўқувчиларда ҳам шакллантиришлари лозим. Чунки мамлакатимизда таълим тизимининг пойдевори қанчалик мустаҳкам бўлса, Ватан тинчлиги ва ободлиги ҳам шунчалик бардавом бўлади. Инглиз файласуфи Ф.Бэкон «Билим – куч, куч эса билимдадир»,- деб бежиз айтмаган.

Зеро, озод ва обод юртда камол топаётган ёшлар илмий ва ақлий салоҳияти, чуқур ва теран тафаккури билан илм-у маърифатда ҳеч кимдан, ҳеч қачон кам бўлмайди.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг ўз мустақил сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий йўлига эга бўлиши, таълим тизимининг турли соҳаларида, жумладан, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбияси билан боғлиқ жараёни педагогик ёндашувлар асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Ҳозирда фан ва маданиятнинг энг илғор ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини амалга ошириш ва ёш авлодни ҳаётга тайёрлашнинг самарали ўқитиш усул ва услубларини излаш ниҳоятда зарурдир.

Ўрта махсус, касб-хунар коллежларида интерфаол методларнинг қўлланилиши таълим самарадорлигини сифат жиҳатдан оширади ва таълим олувчи шахсининг таълим марказида бўлишини таъминлайди.

Шундай экан, касб-хунар коллежларининг қандай таълим муассасаси эканлигини аниқлаш учун дастлаб «Касб-хунар коллежлари» тушунчасининг асл моҳиятини билиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да касб-хунар коллежи тушунчасининг моҳияти аниқ очиб берилган. Бунда «Касб-хунар коллежи давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини берадиган, ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллигини, лаёқатларини ва кўникмаларини чуқур ривожлантирувчи, танлаб олинган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини берувчи юридик мақомга эга бўлган таълим муассасасидир», - деб таъкидланган.

Ўқувчи-ёшларни касбга йўллаш ва шу йўсинда интерфаол методлар асосида таълим-тарбия ишларини таш-

кил қилиш муҳим педагогик воқеа саналади. Бинобарин, ўқувчи-ёшлар ўзлари хоҳлаган касб-хунар йўналишлари бўйича ўқиш имкониятига эга бўлади.

Замонавий дарсларни янгича талқинда, миллий руҳда ташкил этиш интерфаол методларнинг таълим жараёнига жадал кириб келишини тақозо этди. Интерфаол методлар эркин, мустақил фикрловчи, изланувчи фаол ўқувчиларни тарбиялаш жараёнидаги бир қатор афзалликлари билан эътиборга лойиқдир.

Интерфаол методлар нима? Анъанавий таълимда «нимани, қачон ва қаерда ўқитиш керак?» муаммоларига асосий эътибор қаратилган бўлса, бугунги кунда дарс жараёнида замонавий таълим технологияларидан интерфаол методларнинг ўзига хос, ўринли, мақсадга мувофиқ қўлланилиши натижасида «қандай самарадорликка эришилади?» деган муаммо муҳим ўрин эгаллайди.

Таълим жараёнида ўқитувчи (ўргатувчи) ва ўқувчилар (ўрганувчи) ўртасидаги ҳамкорлик нисбати инсоният тараққиётининг турли даврларида турлича бўлган. Анъанавий таълим жараёнида ўқитувчининг фаоллиги етакчилик қилган бўлса, ҳозирги кунда замонавий таълим технологияларининг дарс жараёнига кириб келиши билан ўқувчи фаоллиги асосий ўринга чиқмоқда. Пировард натижада эркин ва мустақил, ижодий фикрловчи ёшларнинг фан сирларини ўрганиши жараёни жадаллашмоқда.

Таълимда интерфаол методларнинг кенг қўлланилиши илм-у фаннинг юксалиши ва тараққиёти самарасидир. Жумладан, АҚШ, Япония, Буюк Британия ва Германия каби ривожланган мамлакатларнинг таълим муассасаларида таълим-тарбия беришнинг интерфаол методлари кенг қўлланилмоқда. Таълим жараёнида ҳар бир ўқувчининг ўзи билим олишда фаоллик кўрсатиши ва у эришадиган натижа ҳам унинг билим даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Маълумки, илғор хориж педагогикаси намоёндалари

М.В.Кларин, В.П.Беспалько, Г.А.Бардовский, Н.Ф.Тализиналар билан бир қаторда республикамизнинг таникли педагог-олимлари А.Жумабоев, Н.Х.Авлиёкулов, Н.Азизхўжаева, Ў.Толипов, Б.Нуриддинов, Ж.Ғ.Йўлдошев, У.Нишоналиев, Б.Зиёмуҳаммедов, Н.Эгамбердиева, М.Х.Усмонбоева, Д.Юнусова, Ж.О.Толипова Р.Ж.Ишмуҳаммедов, ва бошқалар таълим беришнинг замонавий моделини тавсифлаш ва дарс жараёнига татбиқ этиш бўйича ўзларининг илмий қарашларини бир қатор нашрларда баён қилиб, интерфаол методлар дарс жараёнида асосан ўқувчилар томонидан амалга оширилишини, улар таълимнинг объекти эмас, балки субъекти, яъни худди ўқитувчи сингари ижодкор бўлишини алоҳида қайд этишган.

Касб-хунар коллежларида интерфаол методлардан фойдаланиш таълим-тарбия беришнинг ўзагидир. Шундай экан, интерфаол методлар ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликда ишлаши ва ўзаро ҳамкорликдаги дидактик фаолиятдир. «*Интерфаол*» атамаси лотинча «*inter act*» сўз бирикмасидан олинган бўлиб, «*inter*» – «ўзаро биргаликда» ва «*act*» – «фаолият» маъноларини англатади. Демак, интерфаол таълим ўқувчиларнинг тўлақонли ўзаро бир-бирлари ва ўқитувчилар билан биргаликда фаолият кўрсатишларини назарда тутди.

Шахс томонидан билимларни ўзлаштириш жараёнини ўрганган америкалик психолог олимлар Р.Карникау ва Ф.Макэлроларнинг тадқиқотларига кўра, шахснинг табиий, физиологик ва психологик имкониятлари муайян шаклларда ўзлаштирилган билимларни турли даражада хотирада сақлаб қолиш имконини беради.

Яъни шахс:

- манбани ўзи ўқиганда 10%;
- маълумотни эшитганида 20%;

- содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараёни кўрганда 30%;
- содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараёни кўриб, улар тўғрисидаги маълумотларни эшитганда 50%;
- маълумот (ахборот)ларни ўзи кузатганида (сўзлаганида, билимларни намоёниш этганида) 80%;
- ўзлаштирилган билим (маълумот, ахборот)ларни ўз фаолиятига татбиқ этганида маълумотларнинг 90%ини ёдда сақлаш имкониятига эга бўлади.

Қуйида интерфаол таълимнинг асосий белгиларига тўхталиб ўтамиз.



Юқорида келтирилган таҳлиллардан кўриниб турибдики, замонавий интерфаол методлар асосида ташкил этилган ўқув машғулотларида ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, қизгин баҳс-мунозаралар, бир-бири билан эркин фикр алмашиш жараёни юзага келиб, ўзлаштирилган билимларни максимал даражада амалиётда қўллаш ва уни хотирада сақлаб қолиш имкониятлари пайдо бўлади.

Замонавий педагогик технологиянинг таркибий қисми ҳисобланган ҳамкорликда фаолият олиб боришга асос-

ланган методларга интерфаол методлар дейилади.

Интерфаол методлар таълим жараёнида қатнашаётган ҳар бир ўқувчининг ташаббускорлигига, фаоллигига, муаммоли вазиятлар ечимини топишга, кичик гуруҳларда ишлашга асосланади.

Интерфаол методлар қўлланилганда ўқувчиларда ижодкорлик ғояси шакллантирилади, шу билан биргаликда улар томонидан муайян йўналишдаги билимлар мустақил ўзлаштирилади. Бу ҳол уларда ўзига ишонч, билимига таяна олиш, тинимсиз изланишга рағбат ҳисларини уйғотади ва ўқувчилар жуфтликда, гуруҳ ёки жамоа бўлиб ўзаро бир-бирлари билан бемалол баҳслашадилар, ўқув материални андазадагидек эркин ўзлаштирадилар, натижада мустақил ижодий муҳитда ишлашади. Бу эса ўқувчиларда жамоа бўлиб ишлаш туйғусини ривожлантиради.

Интерфаол методларнинг асосий хусусияти уларнинг кизиқарлилигидадир. Чиндан ҳам интерфаол методлар ўқув машғулотларини кизиқарли ва мазмунли ташкил қилишнинг калитидир. Таъкидлаш жоизки, интерфаол метод таълимнинг ҳар қандай илғор методларидан фарқли ўлароқ, кам вақт ва кам куч сарфлаб, кўпроқ юқори дидактик самарага эришишга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир.

Замонавий педагогиканинг интерфаол методларидан ўқитиш жараёнида самарали фойдаланиш ўқитувчининг мақсад ва вазифасини бир мунча янгилади. Интерфаол методлар фақат ўқитишдан эмас, бирваракайига ҳам ўқиш ҳам ўқитишдан иборат бўлиб, шу сабабли ўқитувчи шунчаки дарс берувчи эмас, балки ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этувчи, мувофиқлаштирувчи маслаҳатчига айланади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолияти учун имкон яратади. Шунинг учун таълим беришнинг самарали, фаоллаштирувчи, эркин фикрлашга ўргатувчи усулларидан фойдаланиб дарс ўтадиган ўқитув-

чи тинимсиз изланишда бўлиб, энг мақбул усулларни танлай олиши ва уни қўллашга ўзи тайёр бўлиши лозимдир. Интерфаол методлар орқали олиб бориладиган дарсларда ўқувчи таълим жараёнининг тўлақонли ижрочисига айланиб, эришиладиган натижа учун ўқитувчи каби тўлақонли жавобгарликни ҳис қилади.

Интерфаол методлар қўлланилганда таълим фақат ўқув предметлари тарзида эмас, балки кўпроқ объектив борлиқдаги каби яхлит синкретик (*синкретик - бир-биридан ажралмаган, қоришиқ ҳолати ёки синкретизм - нарсанинг дастлабки, бир-биридан ажралмаган, қоришиқ ҳолати*) йўсинда олиб борилса катта самара беради. Бунда таълим универсал методда амалга оширилиб, у ўқув фани тушунчасидан кенгрокдир. Ўқитувчи ўқувчилар олдига реал воқелиқдаги ҳаётий муаммоларни ва ўқув топшириғи сифатида ҳаётда кўп учрайдиган қийин масалаларни қўйиши керак. Ўқув топшириқларини ўқувчиларнинг ўзлари муस्ताқил танласалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Таълимда интерфаол методларни қўллаётган ўқитувчининг ўқувчиларга бирор топшириқ бераётганда “*таънифланг*”, “*изоҳланг*”, “*умумлаштиринг*”, “*таҳлил қилинг*” каби сўзлар орқали топшириқларнинг берилиши ўқувчилар ҳаракатини жонлантиради. Ўқувчилар олдига аниқ мақсад ва вазифаларнинг қўйилиши уларни ижодий изланишга йўналтиради. Интерфаол методлар орқали ўрганилаётган мавзу қисқа, лўнда, ва аниқ тушунилади, энг муҳими, ҳар қандай ўқувчини аналитик тафаккур юритишга ундайди.

Инсоният пайдо бўлганидан бери ҳаёт сабоқларини ўрганади, олам сирларидан воқиф бўлишга интилади, дунё мўъжизаларига калит излайди. Ва бу жараёнда у кўплаб билимларга эга бўла боради. Ўша қадимий сабоқлар, ҳаётий тажрибалар меваси ўлароқ дунёга келган ривоят-у хикоялар, пандномалар ўз ҳикмати, теран мазмун-моҳияти билан ҳам қалбларимизни, ҳам ҳаёт йўлларимизни илм

нури билан ёритмоқда.

Ўзбек халқ педагогикасида қайд этилган бир ривоятга тўхталамиз. Кунлардан бир куни оч қолган бир киши қўл бўйида балиқ тутиб ўтирган донишмандга дуч келибди ва унга ўзининг очлигини айтиб, тутган балиғидан озроқ беришини илтимос қилибди. Шунда донишманд унга мурожаат қилиб дебди: «Мен сенга балиқ беришим мумкин, сен тез тўясан ва бироз вақт ўтгач, худди шундай яна оч қолсан ва мендан яна ёрдам сўрайсан. Мен сенга қармоқ беришим мумкин, лекин у қачондир синиб қолиши мумкин, унда сен менга яна мурожаат қилишингга тўғри келади. Яхшиси, мен сенга қармоқ ясашни ўргатаман, бу узоқ ва қийин, лекин кейин сенга менинг ёрдамим керак бўлмайди. Ўз йўлингни танла...»

Ижодкор ўқитувчи ўқувчиларга мустақил «қармоқ» ясашни ўргатиши ва ақлли ўқувчи эса уни ўрганиши керак. Ўқувчилар «қармоқ» ясашни ўргансалар, ўз «ўлжа»сини ўзи тута олиш имкониятига эга бўладилар.

Шундай ҳолатларда янги интерфаол методларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу боис, таълим жараёнида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ўз машғулотида интерфаол методларни ўрнида қўллай билиши шарт.

Ўқитувчи ўқувчи учун матонат, меҳр-муҳаббат ва эзгулик рамзидир. Дарс жараёнида интерфаол методлардан самарали фойдаланаётган ўқитувчи ўқувчиларда турли қарашларни, муаммо юзасидан ижодий тафаккурларининг шаклланишига шароит яратиши керак. Шунда ўқувчиларда ўз қарашларини тенгдошлари орасида ҳимоя қилиш эҳтиёжи пайдо бўлади ва ўзига маъқул бўлмаган фикрга тезда қарши далиллар келтириш, гуруҳдошларининг қарашларидаги ожиз жойларни дарров англаб олиш кўникмалари шаклланади.

Интерфаол методлар ўқитувчидан ўқувчиларнинг саволларини алоҳида қадрлашни ҳам тақозо этади. Чунки са-

вол бериш ҳам зукколик, топкирликдан нишона. Яхши савол – илмнинг мантиги. Сукротона савол-жавоб усули мантиқий мулоҳазага, зийракликка, аниқ ва тўғри сўзлашга, нутқнинг ихчамлигига ҳамда танқидий, ижодий фикрлашга ўргатади. Ўқувчи берган битта жўяли савол унинг тўғри, лекин жўн жавобларидан устун қўйилиши лозим. Чунки савол ўқувчи тафаккурининг самарасини англатса, жавоб изланишдан далолатдир. Савол берган ўқувчилар мунтазам равишда рағбатлантириб борилса, уларда чуқур ва мантиқли саволлар бериш кўникмаси аста-секинлик билан шаклланади. Ўқитувчи таълим жараёнини ўқувчиларнинг бир-бирлари билан биргаликда ишлашлари асосида ташкил этмоқчи бўлганда уларнинг табиий имкониятларидан фойдаланиши, ўқиш ва ўқитиш жараёнида эвристик ва тадқиқот методларини кўпроқ қўллаши мақсадга мувофиқ бўлади.

Таълим интерфаол методларда ташкил этилганда «изланиш – фараз – ечим топиш – изохлаш» тарзидаги дидактик жараён юзага келтирилса, ўқувчиларнинг ҳам билим олиш, ҳам шахс сифатида шаклланишлари таъмин этилади. Бу цикл (*маълум давр ичида такрорланиб турадиган иш, жараён*) ўқувчилар олдига қўйилган муаммо юзасидан уларнинг изланишлари жараёнида мантиқий фараз юзага чиқиши, фаразни асослашга уриниш муайян ечимга олиб келиши, ўқувчилар гуруҳи томонидан топилган ечим гуруҳ вакили томонидан изоҳланиши кейинги таълимий йўналишларга мунтазам чорлайди.

Таълим тизимида фикр ва тасаввурлар қанчалик хилма-хил бўлса, таълим-тарбия самарадорлиги шунчалик юқори даражада бўлади. Афлотун: «Агар этиқдўз ўз касбини билмаса, бу хавfli эмас, нари борса халқ пойабзалдан ёлчимайди. Борди-ю, ўқитувчи нодон бўлса, бу фожеа, бу давлатнинг илдизига болта урган билан баробар, чунки у нодонлар сонини кўпайтиради».

Педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчиларнинг фаолиятларида фасилитаторлик муҳим ўрин тутлади. Фасилитаторлик ўқитувчилик касбининг энг юқори поғонаси ҳисобланиб, касбий фаолиятида ўз фанининг ижодкори ва педагогик маҳоратга эга бўлиш билан изоҳланади. Шу ерда бироз ритмик чекиниш қиламиз, яъни бир машҳур олим, тиббиёт фанлари докторининг фаолиятидан намуна келтирамиз.

1970 йиллар бошларида тиббиёт фанлари доктори Фокс АҚШ таълим муассасаларида тиббиёт соҳасида маърузалар ўқиган. У қаерда дарс бермасин, ўқувчи-талабалар орасида доимо машҳур бўлган. Улар доимо Фоксни энг яхши ўқитувчи сифатида эътироф этишган. У ўқувчи-талабаларни мунтазам ўқишга ва ўз касбини пухта билишларига илҳомлантирганлиги боис мақтовларга сазовор бўлган. Ҳақиқатда эса доктор Фокс профессионал актёр бўлган. Шундай экан, ўқитувчи дарсда доимо актёрлик маҳоратига ҳам эга бўлиши керак. Зеро, педагогик маҳорат – ўқитувчи касбининг муҳим қиррасидир.

Ҳозирда мамлакатимиздаги касб-ҳунар коллежларида 214 йўналиш ва мутахассислик бўйича махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълим усталари устоз-шогирд тизими асосида ўқувчиларга касб-ҳунар сирларини ўргатиб келмоқдалар. Ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари дастуридаги фанларни ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш, умуман, таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзи сингари мураккаб хусусиятга эга. Чунончи, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ўқув – билиш фаолиятидаги ўзига хосликнинг асосий сабаби уларнинг руҳан касб-ҳунар эгаллашга йўналтирилганлиги билан изоҳланади. Бу ҳол, бир жиҳатдан, таълим жараёнини интерфаол методлар асосида ташкил этишни бир қадар қийинлаштирса, иккинчи томондан осонлаштиради. Негаки, касб-ҳунар коллежи ўқувчилари таълимнинг дастлабки

кунлариданок бирор касбни эгаллашга интилишади. Касб-хунар коллежи ўқувчиларидаги мустақил фаолиятга мойиллик ўқитувчидан ўқув фанларини интерфаол методларда эгаллашга йўналтиришни талаб қилади.

Ўрта махсус, касб-хунар коллежларида ўтилаётган фанлар айнан ўқувчиларнинг касбий фаолияти билан боғланиши лозим. Касб-хунар коллежларида гуманитар ва аниқ фанларни интерфаол методлар асосида ташкил этишдан кўзда тутилиши лозим бўлган яна бир жиҳат ўқувчиларнинг дарсда қайси касбни эгаллаш учун ўқиётганлигини ҳисобга олишдан иборатдир.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларига машғулотларнинг бир хил тарзда ўтилиши дарс мазмуни ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу жараёнда ўқув мақсадларини белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув мақсадларини белгилаб берувчи маълум кетма-кетликда жойлаштириш, таснифлаш педагогик таксономия деб юритилади. «Таксономия» тушунчаси грекчадан олинган бўлиб, тартиб билан жойлаштириш маъносини англатади. Таксономия – борлиқнинг мураккаб тузилган соҳаларини таснифлаш ва тизимлаштириш назариясидир. Бу тушунча психолог ва педагог Б.Блумнинг 1956 йилда нашр қилган машҳур «Таксономия» китобида етарлича ёритиб берилган. Унда таксономиянинг биринчи қисмида ўқув мақсадларини когнитив (билиш) соҳада ифодаланиши баён этилган эди. Ўқув мақсадларининг бу тизими халқаро миқёсда кенг оммалашди. Уни таълим жараёнининг ўқитиш, режалаштириш ва натижасини баҳолаш босқичларида қўлай бошладилар. Бу фан (курс)ларни амалда баҳолашда асосий восита бўлиб ҳисобланди.

Ушбу таксономияга кўра бу босқичлар кўриниши қуйидагича ифодаланиши мумкин:

- Когнитив (билиш) баҳолаш соҳаси;
- Аффектив (ҳиссиётли-қадриятли) соҳаси;

- Психомотор.

Кўриниб турибдики, бу таснифдаги энг асосий босқич билишдир. Зеро, инсон тафаккурининг маҳсули билим эканлиги аён ҳақиқатдир.

Ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида таълим самарадорлигини оширишда педагогик технология воситалари орасида графикли органайзерлар деб аталадиган тури мавжуд. Графикли органайзерлар (ташқил этувчи) – фикрий жараёнларни кўргазмалар тақдим этиш воситаси бўлиб, улар бундай жараёнларни турли жадваллар, чизмалар кўринишида акс эттиради. Биз таҳлилимизга кўра, уларни уч йўналишга бўлдик:

1-йўналиш. Дарс мавзуларини таркибий бўлиб чиқиш ўрганилаётган тушунчалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлайди. Графикли органайзерлар қаторига: «Кластер», «Тоифалаш», «Т»-жадвали, «Инсерт» ва «Б/Б/Б» жадвалини келтиришимиз мумкин.

2-йўналиш. Дарс жараёнини таҳлил қилиш, солиштириш, таққослаш метод ва воситаларига «Қандай?» иерархик диаграммаси, «Венн» диаграммаси мисол бўла олади.

3-йўналиш. «Нима учун?», «Балиқ скелети», «Пирамида», «Нилуфар гули» чизмалари каби муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш метод ва воситалари ҳисобланади.

Педагог олим Б.Ходжаевнинг таъкидлашича, агар жадваллар муайян ахборотлар билан тўлдирилган бўлса, бу ҳолатда органайзерлар восита бўлиб ҳисобланади. Чунки улар таълим учун зарур бўлган маълумотни акс эттирувчи восита вазифасини бажаради. Агар органайзерлар маълумот билан тўлдирилмаган бўлса, улар метод ҳисобланади, бу ҳолатда ўқувчи-талабалар мазкур жадвалларни ўтилган мавзуга доир маълумотлар билан тўлдириши лозим бўлади. Демак, бу ўринда органайзер методик вазифани бажаради.

Таълимда интерфаол методларнинг қўлланилиши дарс самарадорлигини сифат жиҳатдан оширади:

-биринчидан, ўқувчи шахсини ривожлантириш имкониятлари кенгаяди;

-иккинчидан, педагогик жараёнга тизимли фаолият ёндашувини кенг жорий этиш имконияти яратилади;

-учинчидан, ўқитувчини педагогик жараённинг мақсадидан бошлаб, олинган натижани назорат қилиб, баҳолашигача ва зарур ҳолларда керакли тузатишлар киритишигача бўлган босқичларни қамраб олади;

-тўртинчидан, фаоллаштириш омилларига асосланганлиги боис, кўзда тутилган мақсадга яқин натижа олиш имконини беради.

Интерфаол методлар педагогик жараёнда тўғри ва мақсадли қўлланилганда улар ўқувчини ортиқча рухий ва жисмоний зўриқиш ҳолатларидан бугунлай халос этади.



ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР – ЎҚУВЧИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА

Ўқитиш тизимида замонавий ёндашув шунга қаратилган бўлиши керакки, бунда шахс (Ўқувчи)нинг ҳаёти ва фаолияти ривожланишининг динамикаси хусусиятларини эътиборга олган ҳолда турли ўқитиш технологияларининг ўзига хосликлари ва шахс, жамият ҳамда давлатнинг ўқувчиларда ижтимоий фойдали билимлар, ишонч, характернинг сифат ва белгилари, муносабатлар ва ахлокий тажрибаларини шакллантириш эҳтиёжлари орқали таълим жараёнига янгиликлар киритиб борилишини назарда тутати.

Бугунги кун таълим тизимида шу нарса аниқ бўлдики, шахсни эмас, балки унинг ривожланиш жараёнини бошқариш керак.

Бу шуни англатадики, педагогнинг ишида педагогик таъсир орқали амалга оширилаётган усуллар устувор бўлиши керак.

Исталган (дуч келган) методларни қўллашдан, баланд-парвоз шиор ва чақириқлардан воз кечиш, ортиқча насихатгўйликлардан сакланиш керак. Уларнинг ўрнига мулоқотнинг диалогик усули, ҳақиқатни биргаликда излаш, тарбияловчи вазиятларни яратиш ва ранг-баранг ижодий фаолият орқали ривожланиш олдинги қаторга ўтади.

Бугунги кунда асосий методик инновациялар ўқитишнинг интерфаол методларини қўллаш билан боғлиқдир.

Бу ўзаро таъсирнинг ўзига хос хусусиятлари куйидигилардан:

- Таълим субъектларининг бир хил фикрий фазода бўлиши;

- Ҳал этилаётган масаланинг муаммоли майдонига биргаликда кириб бориш, яъни ягона ижодий маконга қўшилиш;

- Муаммо ечимини топишда метод ва воситаларни танлашда ҳамжихатлик;

- Топшириқларни бажариш жараёнида бир вақтда содир бўладиган уйғун ҳиссиётларни бошдан кечириш, яқин эмоционал ҳолатга биргаликда киришдан иборат.

Интерфаол таълимнинг моҳияти шундаки, бунда ўқув жараёнида ўқувчиларнинг деярли барчаси билиш жараёнига жалб қилинган бўлиб, улар ўзлари билган ва ўйлаётган муаммолари бўйича тушуниш ва рефлекс ҳосил қилиш имкониятларига эга бўладилар.

Билиш, ўқув материални ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти шуни англатадики, бунда ҳар бир ўқувчи мазкур жараёнга ўзининг алоҳида, ўзига хос ҳиссасини қўшади. билимлар, ғоялар, фаолият усулларини бир-бирлари билан алмашади.

Бу жараён хайрихоҳлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш руҳида содир бўлиб, нафақат янги билим олишга имконият яратади. балки билиш фаолиятини ҳам ривожлантиради, уни биргаликда ва ҳамкорликда ишлашнинг анча юқори даражасига кўтаради.

Интерфаол методларнинг хусусияти, моҳиятан ўзига хослиги – бу ўзаро таъсирлашувчи субъектларнинг биргаликда йўналтирилган фаоллигининг энг юқори даражаси, иштирокчиларнинг эмоционал ва руҳий бирлигидир.

Хитой ривоятларидан бирида: «Менга айтсанг – мен уни унутаман, менга кўрсатсанг – мен уни эслаб қоламан, ўзим бажарсам – мен тушуниб етаман» - дейилган. Ушбу хикмат замирида интерфаол методларнинг моҳияти ўз аксини топган.

Интерфаол методлар қўлланилганда ўқувчи қабул қилиш жараёнининг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланади, унинг тажрибаси эса ўқув билиш жараёнининг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ўқитувчи тайёр билимларни бермайди, балки ўқувчининг мустақил ўрганишга бўлган иштиёқини уйғотади.

Машгулотларни анъанавий шаклда олиб бориш билан

такқосланганда интерфаол таълимда ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро таъсири ўзгаради (алмашади): педагогнинг фаоллиги ўқувчининг фаоллигига йўл беради, педагогнинг вазифаси эса ташаббус кўрсатиб, уларнинг фаоллашиш-ларига имконият яратишдан иборат бўлади.

Бу жараёнда педагог ўқув материални ўзидан ўтказувчи ўзига хос филтр вазифасидан воз кечади, иш жараёнида ёрдамчи, ахборот манбаларидан бири вазифасини бажаради.

Интерфаол методлар жадал таълим бериш жараёнида кенг қўлланилади.

Бу методларни ўзлаштириш ва қўллаш учун ўқитувчи гуруҳларда ўзаро таъсир қилишнинг турли методларини билиши керак бўлади.

Интерфаол таълим ўзаро гушуниш, ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилиш, ўзаро бир-бирини тўлдиришни таъминлайди.

Интерфаол методлар ҳеч қачон маъруза машгулотларининг ўрнини эгалламайди, лекин маъруза материалнинг яхши ўзлаштирилишига ёрдам беради, бунда ўта муҳим нарса фикрнинг, муносабатнинг, хулқ-атвор кўникмаларининг шаклланиши ҳисобланади.

Интерфаол методларнинг қўллаш жараёнида ўқитувчининг роли кескин ўзгаради, у марказий ўринда бўлмай, фақатгина жараённи тартибга солиб туради ва уни умумий ҳолда ташкил этиш билан шуғулланади, зарур бўлган топшириқларни олдиндан тайёрлайди ва гуруҳларда муҳокама қилиш учун мавзу ёки саволларни шакллантиради, маслаҳатлар беради, вақтни ва белгиланган режанинг бажарилишини назорат қилади.

Ўқувчилар ўзларининг ёки бошқа инсонларнинг ижтимоий (ҳаётий) тажрибасига таянадилар, бунда улар бир-бирлари билан мулоқотга киришишлари, низоларни бартараф этиши, қўйилган масалани биргаликда ечиши, умумий тил топишиши, бир-бирларига ён беришига тўғри келади.

Психологлар томонидан шу нарса аниқланганки, ўқув мулоқотлари шароитида қабул қилишнинг аниқлик даражаси, хотиранинг иш натижавийлиги ошади, диққатнинг барқарорлиги, уни тақсимлаш кўникмаси; қабул қилишда кузатувчанлик, гуруҳдошининг фаолиятини таҳлил қилиш қобилияти ва унинг мақсад ва интилишларини кўра олиш каби шахснинг интеллектуал ва эмоционал хусусиятлари жадал ривожланади.

Энг аввало машғулотларни интерфаол шаклда ўтказиш:

- Ўқувчиларда қизиқиш уйғотади;
- Ҳар бир ўқувчининг ўқув жараёнидаги фаол иштироки рағбатлантирилади;
- Ҳар бир ўқувчининг ҳиссий кечинмаларига эътибор берилади;
- Ўқув материалининг самарали ўзлаштирилишига ёрдам беради;
- Ўқувчиларга кўп қиррали таъсир кўрсатади;
- Тескари алоқани амалга оширади (аудиториянинг жавоб реакцияси);
- Ўқувчиларда фикр ва муносабат ўзгаради;
- Ҳаётий кўникмалар шаклланади;
- Хулқ-атворнинг ўзгаришига ёрдам беради.

Бунинг учун ўқитувчиларнинг интерфаол машғулотларни ўтказиш бўйича тренингларда иштирок этишлари муҳим шарт эканлигини қайд этамиз. Уларни ўрганиш учун эса «Ақлий ҳужум» ёки мунозараларда ва ўйинларда шахсан иштирок этиши керак бўлади.

Қуйида келтирилаётган жадвал-пирамида ўқитувчиларнинг дарс жараёнида ўқувчилар томонидан ўқув материалларини нечоғлик ўзлаштирганини ва улар олган билим, кўникма ва малакаларини амалда қўллай олиш даражаларини аниқлашида ёрдам беради.

| | | |
|--|---|---|
| Эслаб қолиш даражаси | | Натижада |
| Ўқилгани 10% | Ўқиш | Аниқлаш, санац, тавсифлаш, тушунтириш |
| Эшитгани 20% | Эшитиш | |
| Кўрганни 30% | Расмга қараш Видео кўриш | Намойиш қилиш, қўллаш, бажариш |
| Кўрган ва эшитганларини 50% | Экспонатга қараш | |
| | Намойишни кузатиш Аниқ ҳаракатларни кузатиш | |
| Айтган ёки ёзганларини 70% | Бахс/мунозарада иштирок этиш Нутқ сўзлаш | Тахлил қилиш, ишлаб чиқиш, яратиш, баҳолаш малакаларига эга бўладилар |
| Ўз ҳаракатлари бўйича айтган ёки ёзганларини 90% | Театрлаштирилган чиқиш | |
| | Реал фаолиятни ўхшатиб бериш Аниқ ҳаракатларни бажариш | |

Интерфаол таълим шакли юксак интилиш, билимларнинг мустаҳкамлиги, ижодкорлик ва фантазия, мулоқотга киришувчанлик, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиш, жамоавий кайфият, алоҳида шахсларнинг кадриятларига ҳурмат билан қараш, ўз фикрини ифодалаш эркинлиги, фаолиятга эътибор қаратиш, ўзаро ҳурмат ва ошкоралик, бир сўз билан айтганда шахснинг ақлий ва жисмоний камолотида ижобий ўзгаришлар динамикасини таъминлайди.

Биз юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чикиб шуни айтишимиз мумкинки, ўқув-билиш жараёнини ташкил этиш учун ҳавола этиладиган технологиялар айнан шу тартибда ўтказилиши шарт эмас, балки ҳар қайси ўқитувчи бу интерфол методларнинг умумий шаклини олган ҳолда ўзларининг фаолиятларида тўлиқ ёки баъзи бирларидан имкон қадар ижодий ёндошган ҳолда фойдаланишлари мумкин.

«ЕЛПИҒИЧ» технологияси

Бу технология мураккаб ва кўп тармоқли бўлиб, муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилган. Мазкур технологияни муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишда қўллаш яхши самара беради. «Елпиғич» технологиясининг моҳияти шундан иборатки, унда мавзунинг турли қирралари бўйича ахборот бериш мумкин. Айниқса, ўқувчиларнинг ўз ғояларини, фикрларини ёзма ёки оғзаки шаклда ихчам, аниқ баён этиши ва уни ҳимоя қилишларига шароит яратади. Мазкур технологияда ўқитувчининг асосий эътибори ўқувчиларни дарснинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилади.

Бу технология ўқувчиларда ижодкорлик, эркин фикрлаш ва мулоқот маданиятини ривожлантиради, нутқ равонлиги ва сўз бойлигини оширади.

«Елпиғич» технологияси умумий мавзунинг айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг, ҳар бир қатнашчининг ва умуман, гуруҳнинг фаол ишлашига мўлжалланган. Шунингдек, мавзуни ўрганишнинг турли босқичларида:

- бошида – ўз билимларини эркин фаоллаштириш;
- мавзуни ўрганиш жараёнида – унинг асосларини чуқур фаҳмлаш ва англаб етиш;
- яқунлаш босқичида – олинган билимларни тартибга солишда қўлланилиши мумкин².

Адабиёт дарсида «Елпиғич» технологияси асосида Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳаёти ва ижоди, «Қутадғу билиг» асарини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи биринчи соатда адиб ҳақида маълумот берганидан сўнг, дарсликдаги ушбу асардан олинган парчани ўқувчиларга ифодали ўқиттиради. Дарсни мустаҳкамлаш қисмида ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрларини ёзма шаклда ихчам, аниқ баён этиш топширигини беради. Топширик

² Ишмухамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар – Т., Нихол. 2013.

икки турда бажарилади.


I тур

Дарсликда берилган матнга таянган ҳолда бекларга хос яхши фазилатлар ва салбий хусусиятлар аниқланади. Бу топширикни ёзма равишда жадвал асосида бажариш мақсадга мувофиқдир:

| Бекларга хос фазилатлар | Бекларга ёт хусусиятлар |
|---|---|
| Сўзи тўғри, феъли табиатига хос, тили чин, етук, кўзи ва кўнгли бой, билимли, заковатли, хушёр, ёмонларга мисли бир олов. | Ёлғончилик, суқлик, зўравонлик, уятсизлик, андишасизлик, иш устида ғазабланиш, бошқаларга наф бермаслик, ичкиликбозлик, эгриқўллик. |

II турда бекларга қўйиладиган талабларни график чизмада кўрсатиш талаб этилади:

Комил инсон бўлишнинг талаблари



«Елпиғич» технологиясига кўра, мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот манбаини олиш мумкин. Бу эса ўқувчиларнинг фаоллигини оширади. Масалан: Ўқитувчи ўзи тайёрлаб келган қуйидаги жадвални доскага чизиб ёки олдиндан тайёрланган слайдни компьютер воеитасида кўрсатиши мумкин.

1.ха.....?
2.йўқ.....?
3.ха.....?
4.ха.....?
5.йўқ.....?
6.ха.....?

Ундаги саволлар миқдори ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қараб кўпайтирилади. Кўриниб турибдики, ушбу тасвирда фақат жавоблар берилган. Жавобларнинг барчаси «ха» ёки «йўқ» сўзларидан иборат. Ўқувчининг вазифаси матнга таяниб, ушбу жавобларга мос саволлар тизimini ўйлаб топишдан иборат.

Қуйида ўқувчилар топган саволлардан намуналар келтирамиз:

I тур

1. Ойтўлди ниманинг тимсоли?
2. Ойтўлдининг давлатга муносабати қандай?
3. Асарда одоб-ахлоққа доир қандай фазилатлар тарғиб этилган?
4. Адолатли бўлиш учун инсон нима қилиши керак?
5. «Қутадғу билиг» асари қахрамонлари орасида салбий хусусиятларга эга бўлганлар кимлар?
6. «Қутадғу билиг» асарида илғари сурилган ғоялар ёшларнинг маънавий камолоти учун қандай хизмат қила олади?

II тур

1. Кунтугди адолат тимсолими?
2. Ўғдулмиш кимнинг фарзанди?
3. Ойтўлдиннинг ўғли қандай хислат, фазилатларга эга?
4. Юсуф Хос Ҳожиб қайси жанрдан кўпроқ фойдаланган?
5. «Кутадғу билиг»нинг етакчи қаҳрамонлари орасида аёллар кимлар?

6. Ўзғурмиш қаноат тимсоли сифатида бугунги замондошларимиз учун қандай ўрнак бўлиши мумкин?

Берилган топшириқлар бажарилгач, ҳар бир фикр бошқа гуруҳлар иштирокида таҳлил этилади. Бунда саволларнинг давомий мантиқийлиги, изчиллигига алоҳида эътибор қаратилади. Дарсда бундай метод қўлланганда ўқувчиларнинг ақлий тафаккури сезиларли даражада ошади. Вужудга келган педагогик вазият туфайли уларнинг олдида ечилиши лозим бўлган муаммо пайдо бўлади ва бу муаммони ечиш учун ўқувчиларнинг ижодий фикр юритишига имконият яратилади.

Бундай топшириқларни сидқидилдан бажариш давомида ўқувчилар ўзларини чинакам кашфиётчи сифатида хис этади ва бу нарса яна янги ғояларни кашф этиш сари илҳом бағишлайди.

Топшириқни бажарган ўқувчилар бирин-кетин баҳоланади. Бунда баҳолаш низомига таяниш яхши самара беради.

«СЎЗ ТОПИШ»

Она тилини ўқитиш саводхонликнинг асосий бош бўғинидир. Саводхонликсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Она тилидан яхши савод чиқарган инсон бошқа фанларни осонгина, иккиланмасдан мукамал ўзлаштира олади.

Сўз топиш усулида икки ҳарфдан иборат бирор сўз танланади, танланган сўзнинг фақат олд томонига фақат

битта ҳарф танлаб қўйилади ва янги сўз ҳосил қилинади. Шу асосда ушбу сўзни мазмунан бойитиб бориш зарур. Масалан: Ол- қол, мол, сол, дол, ҳол, ҳол, фол, сол, шол, чол, дол, зол.

Ур-тур, бур, сур, нур, кур, дур.

Ош-бош, дош, фош, лош, мош, шош, тош, қош.

Иш-миш-миш, ниш, қиш,иш, тиш, ғиш, пиш.

Ор-бор, тор, қор, ғор, кор, нор, тор, хор, зор, чор.

Бу ўйиндан фойдаланаётган ўқитувчи ўқувчиларга тақдим этилган топшириқларни бажаришга доир материалларни қунт билан ўрганишни, биргаликда муҳокама этишни, ўрганганларини бошқаларга ҳам ўргатишлари зарурлигини олдиндан айтади. Ўйинни яккама-якка ҳолда ҳам, гуруҳлар ўртасида мусобақа тарзида ҳам ўтказиш мумкин.

«БИР-БИРИНГИЗНИ БИЛИНГ»

Ўқувчиларни жуфтликларга бўлинг, уларга икки дақиқа ичида бир-бирларининг ҳулқ-атворидаги иккита ўхшаш ва иккита фарқли хислатларини топишларини сўранг. Жуфтликлар ўзаро бир-бирлари тўғрисидаги маълумотларни бутун гуруҳга гапириб беришларини таклиф қилинг.

Бу ўйин ўқувчилардаги мустақилликни таъминлайди ва уларни тез ўйлашга, мустақил фикрлаб жавоб беришга, зеҳнли бўлишга, ҳар бир ишда ташаббус кўрсатишга ундайди.

«СИНКВЕЙН»

Синквейн – 5 қатордан иборат ўзига хос қофиясиз шеър бўлиб, унда ўрганилаётган тушунча (воқеа, ҳодиса,

мавзу) тўғрисидаги ахборот йигилган ҳолда, ўқувчи сўзи билан турли вариантларда ва турли нуқтаи назар орқали ифодаланади. Синквейн мураккаб сезги ва ҳиссиётларни бир нечагина сўзлар билан ифодалаш учун муҳим бўлган малакадир. Синквейн тузиш жараёни мавзунини яхшироқ англашга ёрдам беради.

Синквейн тузиш қоидаси:

Биринчи қаторда мавзу бир сўз билан ифодаланади. (Одатда от билан).

Иккинчи қаторда мавзу доирасидаги асосий сўз иккита сифат билан ифодаланади.

Учинчи қаторда мавзу доирасидаги хатти-ҳаракат уч сўз (фееъл) билан ифодаланади.

Тўртинчи қаторда мавзуга нисбатан муносабатни англаувчи тўрт сўздан (ҳис ҳаяжондан) иборат бўлган фикр ифодаланади.

Бешинчи қаторга мавзу моҳиятини такрорлайдиган маъноси яқин бўлган битта (синоним) сўз ёзилади.

Бу машғулот ўқувчиларнинг диққатини бир жойга тўплайди. Ўқувчиларда соғлом мусобақа руҳини вужудга келтиради, дарс жараёнида олган назарий билимларини амалиётга татбиқ этиш кўникмаларини шакллантиради.

«ЗИНАПОЯ»



Бу интерфаол метод ўқувчилар билан яқка ҳолда ёки гуруҳларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади. Бу машғулот орқали ўқувчиларнинг унли ва ундош товушларни билишлари, уларни бир-биридан фарқлай олишлари кўзда тутилган. Бунда бирор матн танланиб, доскага ёзилади. Шу матннинг ҳар бир сўзи неча ҳарфдан иборат бўлса, шунча катакчаларга жойлаштирилади. Матн ичидаги ҳар бир сўз (матн 15 сўздан иборат бўлса, 15 та қаторга) бир қаторга жойлаштирилади ва шу яратилган катакчалар

асосида синфнинг ўнг томонида ўтирган ўқувчилар унли ҳарфлар жойлашган катакчаларни, чап томонида ўтирган ўқувчилар эса ундош ҳарфлар жойлаштирилган катакчаларни бўйб боришлари лозим, яъни ўқувчилар унли ва ундош товушларни шу орқали ажратишлари зарур.

Ҳ.Худойбердиеванинг «Байроқдорларим» шеърининг матн келтирамиз:

Чўлпон шу байроқ деб хор-зор юради,
 Усмон ақлдан озган, қаҳ-қаҳ уради.
 Тунлар келиб тушларимга киради
 Улар менинг руҳий мададкорларим.

Ушбу мисраларнинг олдинги икки мисраси бир гуруҳга, кейинги икки мисраси эса иккинчи гуруҳга берилди. Топшириқ бўйича ўқувчилар дастлаб ҳар бир сўзга катакчалар яратиши керак. Синфнинг ўнг томонида ўтирган ўқувчилар унли жойлашган катакчаларни, чап томонида ўтирган ўқувчилар эса ундош товушларни топиб, ўзлари хоҳлаган рангларга бўйяшлари зарур. Юқорида келтирилган шеърининг парча топшириқда қуйидаги кўринишда бўлади:



Дарсни ташкил этиш, қайси методлардан фойдаланиш ўқитувчининг ўзига боғлиқ. Ушбу технологиядан нафақат ўрта махсус, касб-хунар коллежларида она тили дарслари-

да, балки бошқа ўқув фанларида ҳам фойдаланиш яхши самара беради. Ушбу машғулот ўқувчиларнинг ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзулар юзасидан кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда хотирада сақлаш, маълумотларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расмли-чизма кўринишини ифодалай олишга ўргатади.

«ДОИРА ИЧИГА ЯШИРИНГАН ҲАРФЛАР»

Бу ўйин ўқувчиларнинг бўгин устида ишлаш кўникмаларини ривожлантиради. Улар сўзнинг бўгинлардан ташкил топишини, ҳар бир бўгин, ҳатто товушнинг ҳам маълум бир вазифаси борлигини билиб оладилар. Шунингдек, дарс жараёнида ўқувчиларнинг ўйлаб топиши, зукколиги, топқирлиги ҳисобга олиниб баҳоланади. Топшириқ ўқувчиларнинг гуруҳларда ишлашига мослашган.

ООООқ қоО ОаООа ёООи қоплаган. СувООО муОООан. ДаООООлар Оқ ОООим ООООан. МўОООарООн туООО ООқаОО. Оиз совуқООО Оам, ООООли изғиООООан Оам қОООмайООО. ИсООО ОиОООлар кийОО, коООООга бораООО.

Топшириқни плакатга ёки доскага ёзиш зарур. Унинг айнан тўлиқ матни: Оппоқ қор ҳамма ёқни қоплаган. Сувлар музлаган. Дарахтлар оқ кийим кийган. Мўрилардан тун чикади. Биз совуқдан ҳам, кучли изғириндан ҳам кўркмаймиз. Иссиқ кийимлар кийиб, коллежга борамиз.

Топшириқни бажариш жараёнида маттни танлаш ўқитувчининг ўз маҳоратига боғлиқ. Матн шеърий, бадий, ёки публистик матн бўлиши мумкин.

«ДУНЁНИ СОНЛАР БОШҚАРАДИ»

Бу ўйинда ўқувчилар белгиланган муаммонинг ечимини

ни топишда она тили ва математика фанларини ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борадилар. Бу эса дарс самарадорлигини ҳар томонлама яхшилади ва она тили дарсларида математик рақамларни ўрганиб олишда, фанларни мукамал ўзлаштиришда муҳимдир.

Бу ўйин методи орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзбек алифбосидаги товушларнинг жойлашиш тартибини нечоғлик ўзлаштирганлигини билиб олади. Ўқувчиларнинг алифбони ёд билишлари натижасида уларнинг турли лугатлар устида ишлай олишлари, матн яратишда ҳеч қийналмасдан берилган топшириқларни бемалол бажаришлари учун имконият тугилади. Жумладан, ўқувчи «Аввал ўйла, кейин сўзла» мақоли матнини сонлар ёрдамида ўқий олиши, ифодалаб бериши зарур. Бунинг учун ўқитувчи ушбу матнни доскага ёки плакатга ёзиб, учта гуруҳга вазифа сифатида бериши лозим. Мақол сонлар билан ифодаланганда қуйидаги кўринишда бўлади:

1, 21, 1+25, 23, 11, 1+10, 4, 23, 8, 13+18, 25, 24, 11,1.

Ёки қуйидаги мақолни топинг деб яшириш мумкин:

12, 4, 7, 13, 1, 19,+12, 4, 7, 13, 1, 19, 13, 8, 29+19, 1, 6, 8+17, 14, 7, 1, 19 (Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат).

2, 8,17+23, 8, 11+19, 20, 19+4, 10, 10, 1, 13+10, 8, 27, 8+13, 20, 24+23, 8, 11+6, 1, 21, 7, 1, 17+19, 4, 17, 1, 3 ,8 (Бир йил тут эккан киши юз йил гавҳар теради).

Топшириқлар:

1-топшириқ: Одобни 2, 4, 14, 13, 14, 2, 3, 1, 13 ўрган (Одобни беодобдан ўрган).

2-топшириқ: 7, 20, 13, 1, 17, 11, 8 киши хор бўлмас (Хунарли киши хор бўлмас)

3-топшириқ: 18, 20, 21, 18, 8, 24 ҳаёт бўлмас (Сувсиз ҳаёт бўлмас).

4-топшириқ: 12, 4, 7, 13, 1, 19, 18, 8, 24 роҳат 2, 25, 11,

12, 1, 18 (Меҳнатсиз роҳат бўлмас).

«Дунёни сонлар бошқаради» методининг
афзалликлари:

- ўқувчиларнинг билим ва тажрибаларини ўз қарашлари орқали ифода этишларига ёрдам беради;

- ўқувчиларнинг бошланғич билимларини намойиш этиш учун яхши имконият яратилади.

«ДОМИНО»

Инглиз тилини ўрганишни бошлаган болаларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиришда «Домино» ўйини муҳим ўрин тутаяди. Масалан, «Домино» ўйини орқали янги сўзларни эслаб қолиш осонлашади. Мазкур ўйинда махсус карточкалар керак бўлади. Карточканинг бир томонида ўрганилган сўзнинг ёзилиши, иккинчи қисмида эса бошқа сўзни ифодаловчи расм чизилган бўлади. Домино карточкалари ўқувчилар сонига қараб беш ёки олтитадан тарқатилади. Ҳар бир ўқувчи навбати билан карточканинг шеригини мос ҳолда ўз карточкалари ичидан топиб улайди. Тополмаса, тахлаб қўйилган ортиқча карточкалардан биттасини олиши шарт.

Айтайлик, бир ўқувчи ўйинни бошлаб, битта домино карточкасини қўйди. Бошқа ўқувчида қўйилган карточка сўзига мос расми ёки яна бир ўқувчида қўйилган карточканинг расмига мос сўзли карточка бор. Ўқувчи машгулот давомида ўтилган сўзларни ёд олган бўлса, сўзга мос расми ёки расмга мос сўзни тез топа олади ва икки карточкани бир-бири билан боғлаб, навбатни бошқа ўқувчига беради. Агар у сўзни ёд олмаган бўлса, ортиб қолган карточкалардан биттасини олади, кейин эса ўйинни бошқа ўқувчи давом эттиради. Ким биринчи бўлиб карточкаларни жойлаштиради, шу ўқувчи рағбат олади.

Ушбу ўйин ўқувчилар ўртасида соғлом ижодий ра-

кобатни вужудга келтиради. Энг муҳими, ёд олинган сўзлар мустаҳкамланади.

«КИМ КЎП БИЛАДИ?»

Бу метод ўқувчиларда индивидуал ва жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этиш кўникмаларининг шаклланишига хизмат қилади. Бунда ҳар бир иштирокчи бирор бир мавзу юзасидан биттадан муаммоли савол туза олиши керак. Тузилган саволлар ёзилган қоғозларни эса ўқитувчига топширадилар. Гуруҳ ўқувчилари иккита кичик гуруҳга бўлинишади. Бошқарувчи қўлларни санайди, ҳар бирига 1 баллдан қўяди. Ҳар бир саволга бир ўқувчидан жавоб сўралади. Агар жавоб нотўғри бўлса бир балл олинади. Қайси гуруҳ энг кўп балл тўпласа, ўша гуруҳ ғолиб саналади. Бу жуда қулай фурсат демак, боланинг қизиқиши шу йўналиш бўйича уни дарсларга тортиб олишга қалит бўлиб хизмат қилади.

«БЕШ ДАҚИҚА»

Бу интерфаол метод мавзунинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради ва уларнинг диққатини, зийраклигини оширади. Ўқувчилар стол атрофида ўтиришади. Машғулотни ўқитувчи ёки аълочи ўқувчилардан бири бошқариб бориши мумкин. Ўқувчилар беш дақиқа ичида вазифани бажаришлари лозим ва ёзишни бир вақтда тугатишлари шарт. Масалан, географиядан жой номлари, тарихдан хронологик саналар, она тили ва адабиётдан гап бўлаклари, математика, физика, кимёдан эса формулалар бўлиши керак. Энг кўп ном ёзган ва уни изоҳлаб берган ўқувчи рағбатлантирилади.

«НИМАГА ВА НИМА УЧУН?»

Ўқитувчи бир хил ҳажмдаги картон қоғозларга биттадан 40 та қисқа ва аниқ саволлар ёзиб чиқади. Саволлар «нимага?» ва «нима учун?» тамойилига асослаб тузилади. Масалан, Ўзбекистон қайси иқлим минтақасида жойлашган? Ушбу иқлим минтақасига хос хусусиятлар нималардан иборат ва ҳоказо. Методни қўллашдан олдин барча варақалар йиғиб олиниб аралаштирилади ва тескари қилиб қўйиб чиқилади. Ўқувчилар бирин-кетин қоғозларни тортиб саволга жавоб берадилар. Агар саволга жавоб беролмаса, ўқувчи уни қайтиб жойига қўяди. Тўғри жавоб берган ўқувчи варақани ўзида сақлаб қолади. Энг кўп жавоб варақасини тўплаган ўқувчи ғолиб ҳисобланади.

«ЗАНЖИР»

XXI аср – ахборот технологиялар асри. Ҳеч бир соҳани компьютер технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Замоनावий қурилмалар бутун инсониятга қатор мушкул муаммолар ечимини тезда ҳал этиш имконини бермоқда.

Ўқувчилар информатика фани орқали матн яратишга доир оддий дастурлардан тортиб, мустақил равишда дастурлашнинг бошланғич кўникмаларига эга бўлмоқда. Бу билимларни пухта эгаллаган ўқувчи шахсий компьютерларда бемалол ишлай олади.

Информатика дарсларида компьютер қурилмаларидан бири – принтерни ўрганаётганда «Занжир» методини қўллаш мавзунини ўзлаштиришда яхши самара беради. Бунда яхши ўзлаштирадиган ўқувчилардан бири ўйинни бошлаб беради, қолганлар унинг фикрини кетма-кетликда давом эттиришади:

1-ўқувчи: Маълумотларни қоғозга чиқариш қурилмаси;

2-ўқувчи: Принтернинг босмали, лазерли, матнни

рангли ва оқ-кора ҳолда чоп этувчи турлари бор;

3-ўқувчи: Компьютерга ўрнатиш учун махсус дастур – драйвер керак бўлади;

4-ўқувчи: А2, А3, А4 ҳажмли қоғозларга матн чоп этадиган турлари мавжуд;

5-ўқувчи: «Hp», «Samsung», «Canon» каби принтерлардан бизда кенг фойдаланилади;

Дарс жараёнида «Занжир» методидан фойдаланиш ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро педагогик ҳамкорликни ва ҳамфикрликни юзага келтиради.

«ФОЗИЛ ОДАМЛАР ШАҲРИ»га саёҳат

«География – харита билан бошланиб, харита билан тугайди», - деганда рус олими Баранский бутунлай ҳақ эди. Зеро, географияни географик харитасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Биринчи харитани география фанининг асосчиси, юнон олими Эротосфен милoddан аввалги III асрда чизган эди. Географик хариталарнинг яхлит асар кўришидаги тўплами – географик атлас дейилади. Географик атлас атамасини биринчи марта 1595 йилда Меркатор фанга киритган бўлиб, биринчи атласни тузган олим Клавдий Птоломей ҳисобланади. Харита билан атласнинг ўхшаш ва фарқли томонлари мавжуд бўлиб, қўлланишига кўра ҳар йккаласининг ҳам ўзига хос ва мос ўрни бор. Масалан, бу методда география дарсида харитадан фойдаланиб бирор бир материк, орол ва давлат бўйлаб саёҳат қилиш, уни ёзма тарзда баён қилиш талаб этилади. Иштирокчи ўзи мустақил ўша жойни ёзма ҳолатда тасвирлаши керак. Кимнинг ёзма тасвири аниқ бўлса у ғолиб ҳисобланади.

«УЧИНЧИСИ ОРТИҚЧА»

Ўқувчиларнинг мантикий тафаккур юритиш кўникмаларини шакллантиришда ушбу технология алоҳида аҳамиятга эга. Уни қўллашдан мақсад:

➤ ўрганилаётган мавзу моҳиятини очадиган тушунчалар тизимини шакллантириш;

➤ ҳосил бўлган тизимдан мавзуга тааллуқли бўлган тўртта, тааллуқли бўлмаган битта тушунчанинг ўрин олишига эришиш;

➤ ўқувчиларга мавзуга тааллуқли бўлмаган тушунчани аниқлаш ва уни тизимдан чиқариш вазифасини топшириш;

➤ ўқувчиларни ўз ҳаракати моҳиятини шарҳлашга ундаш, мавзунини мустаҳкамлаш мақсадида тушунчаларга ҳам изоҳ бериб ўтиш, улар ўртасидаги мантикий боғлиқликни асослаш талаб қилинади.

Мавзу моҳиятини ёритувчи тушунчалар ўртасидаги мантикий боғлиқликни кўрсатиш ва далиллаш, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, шахсий ёндашувларни шарҳлаш, шунингдек, тенгдошларининг шахсий ғояларини ўзаро қиёслаш кўникмаларини ҳам шакллантиришга имкон беради.

Мазкур интерфаол методда бир-бирига мос келадиган иккита тўғри ва битта нотўғри савол топшириқ жадвал асосида ўқувчи эътиборига ҳавола этилади. Биз географик топшириқ мисолида қуйидагиларни келтираемиз.

| № | Туманлар | Вилоятлар | Республикалар |
|---|----------|------------|---------------|
| 1 | Бўка | Турсунзода | Ўзбекистон |
| 2 | Сайрам | Термиз | Қозоғистон |
| 3 | Қорақўл | Жиззах | Тожикистон |

Юқоридагилар ичида қайси бири ортиқчалигини ким тез топса ўша ғолиб ҳисобланади. Бу метод орқали топшириқларни бажартириш давомида мавзу мазмуни хо-

тирада аниқ, лўнда ва тез сақланиб қоладиган бўлиши лозим.

«ПОЧТА»

Ўқитувчи бир нечта хат жилд олиб, уларнинг устига энг зарур бўлган асосий мавзуларни ёзиб қўяди ва улар стол атрофида жойлаштирилади.

Масалан, «Материклар ва океанлар географияси» курсида 6 та конверт олиниб, устига «Африка», «Антарктида», «Австралия», «Жанубий Америка», «Шимолий Америка», «Еврооосиё» деб ёзилади. Энди шу материклардаги давлат, шаҳар, дарё, кўл, тоғ, текислик номлари ёзилган карточкалар ўқувчиларга тарқатилади. Қайси ном қайси материкка мос келса, ўқувчи уни ўша конвертга солиши керак. Ким саволларга қўп ва аниқ жавоб топса, ўша юкори балл олади. Бундай методни она тили дарсларида сўз туркумларини ажратишда самарали қўллаш мумкин.

Ушбу метод қўлланганда ўқувчилар ўзларининг мустақил фикрларини бошқаларга етказа оладилар. Чунки бу метод шунга тўлиқ шароит яратиб беради.

«РАҚАМЛИ ҲИКОЯ»

Ҳар қандай дарсни интерфаол методлар асосида қизиқарли ўтиш мумкин. Масалан, «Менинг мактабим» мавзуси ўрганилаётганда «Рақамли ҳикоя» усулини қўллаш мумкин. Ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб, фотоаппарат ёки мобиль телефон орқали мактабни ҳар хил кўринишда суратга туширишади. Кейин компьютерда расм асосида, инглиз тилида кичик тасвирли ҳикоя тузишади. Кейин мавзуга мос мусиқа танлашади. Тайёр бўлган материални дарсга тақдим этишади. Ўқувчи бу усул орқали маълумот излаш

давонида ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш кўникмасини эгаллайди. Шу билан бирга, дўстлар билан мулоқотга киришиш, аҳил жамоа бўлиб ишлашни ҳам ўрганади.

«БИР САВОЛГА УЧ ЖАВОБ»

Бу интерфаол методни дарсларда қўллаш учун 40 та бир хил ўлчамдаги варақа олинади. 10 тасига савол, 30 тасига жавоб ёзилади. Масалан, географиядан савол варақасига «Табиат зоналарининг жойлашуви нималарга боғлиқ?» – деб ёзилса,

1-жавоб варақасига – географик кенгликка,

2-жавоб варақасига – денгиз сатҳидан баландлигига,

3-жавоб варақасига – денгиздан узоқ-яқинлигига, боғлиқ деб ёзилади.

Савол-жавоблар варақалар устига алоҳида қўйилади. Иштирокчи битта савол ёзилган варақани олиб, ёзилган саволни ўқиб эълон қилади. Кейин бошқа иштирокчилар жавобли варақалардан биттадан олишади. Агар жавобли варақалар ичидан саволнинг жавоби бўлган варақа чиқса, савол берган ўқувчи шу жавоб варақасини ўзига олади. Ўртада варақа қолмаса, ўйин яқунланади. Ким кўп жавоблар варақасини йиғса, у ғолиб саналади.

«СИНДИКАТ» МЕТОДИ

«Синдикат» – юнонча «биргаликда ҳаракат қилиш» деган маънони билдириб, бу маслакдошлик стратегияси ўқувчиларда мавзу муаммосини ижодий ўрганиш, назарий билимларни умумлаштириш, тизимлаштириш асосида фикрни қисқа, аниқ баён қилиш қобилиятини тарбиялашга хизмат қилади. Дарс жараёнида ушбу методдан фойдаланилганда ўқувчилар учта кичик гуруҳларга бўлинадилар. Бунда таклиф этилаётган топшириқ уч хил нуқтаи назардан ҳал этилиши зарур. Масалан: 3 номаълум 3 та тенг-

ламалар системасини ечиш топшириғи берилган бўлсин, у холда биринчи гуруҳ «Гаусс», иккинчи гуруҳ «Крамер», учинчи гуруҳ «Матрица» методидан фойдаланиб, қўйилган масалани ечишади. Сўнгра ечимлар ҳамкорликда муҳокама қилиниб, умумлаштирилади.

Дарслар кичик гуруҳларда ўтказилганда мавзунини тўлиқ камраб олиш имконияти юқори бўлади, ҳамма ўқувчилар дарсга жалб этилади ва баҳоланади. Гуруҳларга бўлинган ўқувчилар бир-бирини назорат қилиб, сусти тенгдошларинини бизнинг гуруҳини орқага тортаяпсан, яхшироқ жавоб бер, деб фаолликка ундайди.

«ДЕЛЬФИ»

Бу технологиянинг мазмунини жамоа бўлиб қўйилган муаммонинг муқобил ечимларини муқобиллик даражалари бўйича табақалаштириб, ундаги ҳар бир ечимнинг муҳим ёки номуҳимлигини баҳолашдан, шу асосда энг яхши вариантни танлаб олишдан иборат. Масалан: ер майдонинини плугда 15, 20, 25, 30, 35, 40, 45 см чуқурликда ағдариш мумкин бўлсин. Муайян олинган ер майдонинини ағдаришда шу вариантлардан қайси бири қулай эканлигини аниқлаш учун уларнинг ҳар бири ерни ҳайдашга доир мавжуд агротехник факторлар асосида, ўқитувчининг тренерлигида ўқувчилар томонидан кўриб чиқилади. Бунда ҳар бир кичик гуруҳ ўзларининг вариантларини таклиф этишлари, сўнгра фикрлар умумлаштирилиб, энг яхши вариант танлаб олиниши керак.

«БУ МЕНИКИ»

Ўқитувчи ҳар бир ўқувчига ҳар хил фикрлар ёзилган карточкаларни тарқатади. Ва ўқитувчи шу сўзларни ўқий

бошлайди. Кимда кўп ҳарф чикса у ғолиб саналади.

Мазкур метод қўлланилганда дарс кичик гуруҳларда олиб борилса, мавзуни тўлиқ қамраб олиш имконияти юқори бўлади. Деярли барча ўқувчилар дарсга жалб этилади.

«Б/Б/Б»

Гуруҳ ўқувчилари бешта кичик гуруҳларга бўлиниб, ўз гуруҳларини номлашади. Ёзув тахтаси уч қисмга ажратилади. Биринчи банднинг юқори қисмига «Биламан», иккинчи банднинг юқори қисмига «Билишни хоҳлайман», учинчи банднинг юқори қисмига эса «Билиб олдим» деган сўз ва сўз бирикмалари ёзилади.

Сўнгра ўқитувчи ўқувчилардан мавзу юзасидан қандай маълумотларга эга эканликларини сўрайди ва билдирилган фикрларни «Биламан» номли бандга ёзиб қўяди. Бу ҳаракат гуруҳлар томонидан фикрлар тўла баён этилгунга қадар давом этади. Мазкур жараёнда гуруҳларнинг барча аъзолари фаол иштирок этишларига аҳамият бериш зарур. Ўқувчилар томонидан билдирилаётган нотўғри фикрлар ҳам инкор этилмаслиги зарур. Кейинги босқичда ўқитувчи ўқувчилардан янги мавзу бўйича қандай маълумотларни ўзлаштириш истагида эканликларини сўрайди ва ўқувчиларни яна ўйлашга даъват этади. Гуруҳлардан навбати билан фикр сўралади. Ўқувчилар томонидан билдирилган мулоҳазалар «Билишни хоҳлайман» номли устунга ёзиб борилади.

Сўнги босқичда ўқувчиларга мавзуга оид тайёр матн тарқатилади. Масалан, кимё дарсида «Табиатда азот. Табиатда азотнинг айланиши» мавзусига оид матнлар тарқатилади. Ушбу матн мавзу бўйича энг асосий тушунчаларни ўз ичига олади. Ўқувчилар матн билан танишиб чиқиб, мушоҳада қилиш асосида мавзуга доир яна қандай

маълумотларни ўзлаштирганликларини аниқлашлари лозим. Улар ўз хулосалари асосида қарашларини баён этади, бу фикрлар «Билиб олдим» номли устунга ёзиб борилади.

Бу жараён ўқувчиларнинг фан асосларини қай даражада пухта ўзлаштирганликларини, уларнинг ўз-ўзини назорат қилишларини таъминлашга имконият яратади.

Намуна сифатида қуйидаги жадвални келтирамыз:

| Биламан | Билишни хоҳлайман | Билиб олдим |
|--|---|--|
| Табиатда азотнинг 2 та изотопи учрайди; аммиак, нитрат кислотаси, азот бирикмалари, азот оксидлари; дуккакли ўсимликларда азотни ўзлаштирувчи азот бактериялар бўлимида; азот ўсимликларнинг ўсишига ёрдам беради; ҳаво таркибида 78%, одам танасида эса 3% азот бўлади. | Табиатда азот айланиши жараёни, табиатда унинг аҳамияти, ўсимликларнинг азотни ўзлаштириш жараёни, амалий жиҳатдан фойдаланишини, инсон организмига таъсирига оид маълумотларни билишни хоҳлайди. | Ўсимлик ва ҳайвонлар азотни эркин ўзлаштира олмасликлари, ўсимликлар азотни NH_4 ва NO_3 ҳолида ўзлаштиришлари, чакмоқнинг тупроқни азот билан бойитишдаги роли, ҳайвонлар, ўсимликларни, инсон эса ўсимлик ва ҳайвонларни истеъмол қилиш орқали азотни ўзлаштириши, азотнинг табиатдаги айланиши, табиат ва инсон ҳаётига оид маълумотларни, азотга доир билимни ўзлаштиради. |

«ИНСЕРТ»

Ўқитувчи ҳар бир кичик гуруҳдан мавзуга оид иккитадан фикр билдиришларини сўрайди. Гуруҳ аъзолари келишган ҳолда ўз мулоҳазаларини гуруҳ сардорлари орқали билдиришади. Баён этилган фикрлар доскага ёзилади.

Фаолият якунлангач, ўқитувчи «Ёруғликнинг кимёвий ва биологик таъсири. Фотосинтез ва унинг аҳамияти» мавзусини ёритишга хизмат қиладиган матнни ўқувчиларга тарқатади. Сўнгра уларга шундай мустақил топшириқ берилади:

Матн билан танишиб, унинг ҳар бир қаторига қуйидаги белгиларни қўйинг:

А- матнда гуруҳлар томонидан билдирилган фикр ўз аксини топганми?

Б-матнда гуруҳлар томонидан билдирилмаган фикр борми?

Д-матнда бир-бирига зид фикрлар мавжудми?

С-матн билан танишишда тушунмовчиликлар юзага келдими?

Сўнгра гуруҳ аъзолари шахсий қарашларини ўзаро ўртоқлашиб, гуруҳ бўйича белгилар сони умумлаштирилади. Лидерлар бошчилигида ҳар бир белгининг миқдори баён этилади ва изоҳланади. Ўқитувчи гуруҳлар томонидан қайд этилган сонларни уларнинг номлари ёзилган устунга ёзиб боради³.

Чунончи:

| № | Илғорлар | Лидерлар | Бинафша | Юлдузлар | Зукколар |
|----|----------|----------|---------|----------|----------|
| 1. | 12 | 12 | 12 | 11 | 12 |
| 2. | 18 | 20 | 6 | 10 | 15 |
| 3. | 1 | 4 | 1 | - | 3 |
| 4. | 3 | 1 | - | - | - |

Ҳар бир гуруҳ лидери ўз фикрини тугатгач, юзага келган турли фикрий қарашлар, тушунмовчиликларнинг ўқувчилар томонидан тўғри ҳал этилиши ва тўғри тушуниб олишларига ўқитувчи ёрдам беради.

Шундан сўнг гуруҳлар дарсликда берилган матн билан танишиб чиқиб, асосий тушунчаларни ажратишади ва

³ Юлдашева Н.Махорат дарслари. Абу матбуот консалт. – Т., 2015.

улар ўртасидаги мантиқий муносабатларни очиб беришга ҳаракат қилишади. Гуруҳлар томонидан илгари сурилган фикрлар умумлаштирилиб, лидерлар оркали гуруҳ жамоасига етказилади.

«5x5x5» технологияси

Гуруҳ ўқувчилари 5 та кичик гуруҳга 5 тадан бўлиб бўлинадилар. Мавзунинг умумий матни 5 қисмга бўлиниб, ҳар бир қисм муайян гуруҳга берилади ва гуруҳларга матни ўрганиб чиқиш вазифаси топширилади. Матн гуруҳлар томонидан ўрганилгандан сўнг гуруҳлар қайта ташкил этилади. Бу ўринда ҳар бир гуруҳда аввалги 5 та гуруҳнинг 1 нафар аъзоси бўлиши шарт. Гуруҳлар қайта ташкил этилгандан сўнг ҳар бир ўқувчи ўзи ўзлаштирган маълумотларни қолган ўқувчиларга ҳикоя қилиб беради. Шу тарзда мавзу матни ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади.

Саволлар қуйидагича тузилиши мумкин:

1. Маҳмуд Торобий ким бўлган?
2. Маҳмуд Торобий раҳбарлигидаги қўзғолоннинг бошланишига қандай омиллар сабаб бўлди?
3. Маҳмуд Торобий раҳбарлигидаги қўзғолон қачон бошланди?
4. Ушбу қўзғолонда кимлар қатнашди ва қандай яқунланди?
5. Маҳмуд Торобий бошчилигидаги қўзғолончилар қандай усулда жазоланди?

Ушбу метод асосида ташкил этилган машғулотлар орқали ўқувчиларда халқ ўтмиши, миллий қаҳрамонларнинг ҳаёти ва фаолиятига нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотиш мумкин ҳамда уларнинг ватанпарварлик ва инсонпарварлик фазилатлари шакллантирилади.

«ЮМАЛОҚЛАНГАН ҚОР»

Гуруҳ ўқувчилари парталар қаторлари бўйича 3 гуруҳга бўлинади. Хар бир гуруҳ ўқувчилари турли хил ўсимлик (помидор, пиёз, чигит ва ҳақозо кабилар) тасвири туширилган ва орқа томонида 3 ёки 4 та вазифа ёзилган карточкаларни олади.

Биринчи гуруҳ ўқувчилари помидор ҳужайрасининг тузилиши, иккинчи гуруҳ ўқувчилари пиёз пўсти ҳужайрасининг тузилиши, учинчи гуруҳ ўқувчилари эса чигит ҳужайраси тузилишига оид мустақил топшириқларни бажаради.

1-рақамли карточка

1. Помидор ҳужайраси бошқа ўсимликларнинг ҳужайраларидан қандай фарқланади?
2. Ҳужайра қобиғи қанақа кўринишда бўлади?
3. Ҳужайра таркибида қандай рангли пластидалар мавжуд?

2-рақамли карточка

1. Пиёз пўсти ҳужайраси қанақа шаклга эга?
2. Ҳужайра қобиғи нимадан иборат?
3. Унинг ҳужайраси таркибига кирувчи пластидалар қандай рангда бўлади?

3-рақамли карточка

1. Чигит ҳужайрасининг узунлиги неча сантиметрга етади?
2. Чигит ҳужайраси қандай ҳолатда ривожланади?
3. Унинг ҳужайраси таркибида қандай рангли пластидалар мавжуд?

Бу метод ўқувчиларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради ва уларга масъулият ҳиссини сингдиради.


«БАЛИҚ СКЕЛЕТИ»

Дарс жараёнида мазкур методни қўллаш ўқувчиларда мантиқий фикрлашни ривожлантиради, улар онгида мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунчаларни, маълумотларни яхлит тизимга келтиради ва мантиқан таҳлил қилиш кўникмаларини ҳам шакллантиради.

Ундан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилади:

1. Ўқувчилар кичик гуруҳларга бириктирилади.
2. Гуруҳлар мустақил топшириқларни бажаришга киришади.
3. Гуруҳлар ўз ечимларини жамоага тақдим этади.
4. Мавзу юзасидан муҳокама уюштирилади.

Ўқувчилар топшириқларни қуйидаги тасвир асосида бажаради:



Ўқувчиларда ўрганилаётган мавзу, муҳокама этилаёт-

ган масала ёки муаммонинг назарий моҳиятини жадвал ёрдамида акс эттириш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади. Уни қўллашда ўқувчилар мавзу моҳиятини оғзаки баён ёки ёзма матн кўринишида эмас, балки мавзунинг асосий ғояси, таянч тушунчалари, муҳим жиҳатларини жадвалда аниқ, қисқа ифодалаш кўникмаларини ўзлаштиради.

«Т» - жадвал

Ўрганилаётган мавзунинг муайян жиҳатини ёритиш мақсадида бир неча асосий белги, таянч тушунчаларнинг мазмуни уларни бир-бири билан ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида очиб берилади. Кўп ҳолларда мазкур технология мавзу асосини ташкил этувчи бир неча ҳолатларнинг афзалликлари ёки камчиликларини, самарадорлик ва бесамарлик даражасини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади. Бу интерфаол метод ўқувчиларга ўрганилаётган мавзу, муҳокама қилинаётган масала ёки муаммонинг назарий моҳиятини жадвал ёрдамида акс эттириш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади. Уни қўллашда ўқувчилар мавзу моҳиятини оғзаки баён ёки ёзма матн кўринишида эмас, балки мавзунинг асосий ғояси, таянч тушунчалари, муҳим жиҳатларини жадвалда аниқ, қисқа ифодалаш кўникмаларини ўзлаштиради.

Иқтисод дарсида «Ўқувчиларда тежамкорликни шакллантириш» мавзусини ўтишда ўқувчиларга қуйидаги жадвал тақдим этилади ва уни тўлдириш сўралади.

| Тежамкорлик | |
|--|----------------------------------|
| Афзаллиги | Камчилиги |
| 1. Маблагни режалаштириш имкониятини беради. | 1. Хасисликни келтириб чиқаради. |

| | |
|--|--|
| 2. Иқтисодий кризисдан ас-райди. | 2. Баъзан соғлиқни йўқо-тишга олиб келади. |
| 3. Увол ва исрофгарчиликка йўл қўйилмайди. | 3. Сифатсиз маҳсулот олиш мумкин. |

Ушбу интерфаол метод ёрдамида ташкил этилган машғулотларда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши, мавзуни ўрганишда мавжуд манбалардан тўғри фойдалана олиши ва эркин мулоҳаза юритиши, мақсадга самарали эришиш имконияти катта.

«МУАММОЛИ ЎҚИТИШ»

Муаммоли ўқитиш америкалик файласуф ва педагог Дж.Дьюининг назарий қондаларига асосланади ва бу метод XX асрнинг 20-30 йилларида тарқала бошланди. Дж. Дьюи ўқитиш учун қуйидагиларни асос қилиб белгилади: ижтимоийлик, конструкциялаш, бадий ифодалаш, илмий тадқиқийлик.

Бу асосларни амалга ошириш учун қуйидагилар тавсия этилади: сўз, санъат асарлари, техник қурилмалар, ролли ўйинлар ва ҳ.к.

Бугунги кунда муаммоли ўқитиш деганда машғулотларда педагог томонидан яратиладиган муаммоли вазиятлар ва ўқувчиларнинг уларни ечишга қаратилган фаол мустақил фаолияти тушунилади. Бунинг натижасида ўқувчилар касбий билимларга, кўникмаларга, малакаларга эга бўладилар ва фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш

1. Ўқувчилар гуруҳларда ишлайдилар. Уларга умумий ечим – қарор қабул қилишни талаб этадиган муаммоли матн ёки топшириқ берилади.

2. Ўқувчилар муаммони муҳокама қиладилар ва бирга-

ликда умумий қарорга келишга ҳаракат қилади.

3. Кейин гуруҳлар бир-бирлари билан ўзаро фикр алмашадилар.

Шу ўринда бир мисолни келтирамиз. Сиз космик кема жамоасисиз. Кемангиз ойнанинг ёруғ тарафида ташувчи космик кема билан туташши керак. Аммо техник носозликлар туфайли сиз белгиланган жойдан 300 км нарида авария ҳолатида қўнишга мажбур бўлдингиз. Қаттиқ қўниш туфайли кеманинг катта қисмига талофат етган.

Сизнинг ҳаёт-мамотингиз ташувчи космик кемага етиб бора олишингизга боғлиқ. Сиз 300 км масофага учиб учун фақат энг зарур предметларни танлашингиз керак. Сизнинг вазифангиз жамоа учун белгиланган манзилга етиб олишга керак бўладиган предметларни муҳимлик даражасига қараб таснифлаш ва улардан атиги 8 тасини танлашингиз зарур, чунки сизнинг фақат шунча нарсани олиб кетишга имконингиз етади:

- Гугурт қутиси
- Озиқ-овқат концентранти
- 20 метр нейлон арқон
- Парусина
- Порататив иситгич
- Иккита 45 калибрли тўппонча
- Бир қути қуюқлаштирилган сут
- Юлдузли осмон харитаси
- Қутқарувчи сол
- Магнит компас
- 20 литр сув
- Сигнал берувчи чироқ
- Биринчи ёрдам учун дорилар қутигачи
- Қуёш батареикасида ишлайдиган радиоприёмник.

Бундай турдаги топшириқлар одатда қизиқарли муҳокамаларга олиб келади, ўқувчиларнинг илмий истеъдоди, дунёқараши, мулоҳаза юритиши, қарор қабул қилиши ва

умуман, жамоа бўлиб ўқитувчига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаш кўникмалари ривожланади. Ўқитувчи фақат вазифа шартлари билан таништиради, қолган ишларни ўқувчилар бажаради.

«НИЛУФАР ГУЛИ»

Схема кўринишида намоён бўладиган мазкур усул ўзида нилуфар гули образини мужассам этган. Унинг асосини 9 та квадрат ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида, 9 та кичик квадратдан иборат.

Нилуфар гули қайсидир маънода кластер усулига ўхшаб кетади, лекин ундан фарқли равишда бунда гоялар тартиб билан жойлаштирилади. Бундан ташқари, ҳар бир муаммога тегишли гоялар сони 8 тадан кам бўлмаслиги керак. Бу усул ёрдамида асосий муаммонинг аввало 8 та гояси келтирилади. Кейин эса ҳар бир гоя яна 8 кичик гояга бўлинади. Шундай қилиб нилуфар гулида камида 64 та гоя ҳосил бўлади. Гояларни шакллантириш жараёнида энг мураккаб муаммолар ҳам ўз ечимини топади.

| | | | | | | | | |
|--|---|--|---|---|---|--|---|--|
| | | | | | | | | |
| | Б | | | З | | | С | |
| | | | | | | | | |
| | | | Б | З | С | | | |
| | Д | | Д | А | Ф | | Ф | |
| | | | Г | Х | Й | | | |
| | | | | | | | | |
| | Г | | | Х | | | Й | |
| | | | | | | | | |

«АҚЛИЙ ХУЖУМ»

Хаётимиз тобора техника билан чамбарчас боғлиқ бўлиб бормоқда. Замоनावий қурилмаларнинг қандай ишлаши, улардан тўғри фойдаланишни ва таъмирлашни ўрганиш учун ҳар бир ўқувчи физикага мурожаат этиши табиий. Фан бўйича муайян компетенцияларга эга бўлган ўқувчилар уйдаги электр жиҳозларини бемалол таъмирлай оладилар. Физика техника тараққиётида катта аҳамиятга эга. Уни мукамал ўрганган ўқувчилар келажакда улкан кашфиёт ва ихтиролар муаллифига айланиши мумкин.

Дарс аввалида ўқувчиларга янги мавзу юзасидан савол берилади. Улар дарс давомида саволга жавоб топиши лозим. Масалан, диффузия (моддаларнинг бир-бирига аралашуви) ҳодисасини ўрганаётганда қуйидаги саволни бериш мумкин.

Икки стаканга сут солинган. Бирини музлатгичга, иккинчисини, ташқарига қўйдик. Савол: қайси стакандаги сутдан қаймоқ тезроқ ажралади?

Шундан сўнг диффузия ҳодисасини назарий жиҳатдан ўрганишни бошлаймиз. Қисқача айтганда, ҳарорат кўтарилгани сари моддаларнинг бир-бирига аралашуви тезлашади, паст ҳароратда эса аксинча, моддалар бир-биридан ажралишни бошлайди. Ёғ билан сувнинг зичлиги фарқланади. Паст ҳарорат таъсирида сут таркибидаги ёғ юзага чиқади. Демак, дарс якунида саволнинг жавоби ойдинлашади. Буни англаб олган ўқувчилар қайси стакандаги қаймоқ тезроқ ажралишини дарров англайди. Бу методлар кўргазмалиликни таъминлаш билан бирга, ўқувчиларни дарс давомида бўш ўтирмасдан изланишга ундайди.

«КИМ БИРИНЧИ?»

География фани ривожини инсониятга ҳаётнинг табиий

ходисалари билан боғлиқ сирларни тушуниш имконини беради. Фанни чуқур ўрганиш асносида ҳар бир ўқувчи ўзи учун борликни кашф этади, ёруг оламнинг бир бўлаги эканини англайди. Шу боис, қадимда география фалсафанинг юраги дея эътироф этилган. Бугун инсон ҳаёти фаровонлигини таъминлаётган, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига асос бўлаётган бойликларни аниқлаш биринчи навбатда шу фан ютуқларига таянади.

«Ким биринчи?» методи мавзунинг энг муҳим жиҳатларини тезкор тартибда ва ўйин орқали ўрганишга ёрдам беради. Жумладан, мавзу асосида ўтиллаётган айнан бешта давлатнинг номини айтиш мумкин. Масалан, «Ким биринчи бўлиб мен айтган давлатнинг пойтахтини атласдан топади?» Ўқувчилар тезда харитадан давлатларнинг пойтахтларини излашга киришади, топшириқни ким биринчи ва тўғри бажарса, у голиб ҳисобланади ва рағбатлантирилади. Ўйин мусобақа шаклида бўлгани боис, болалар беш дақиқа ичида жуда кўп маълумотга эга бўладилар. Бу методни шаҳар, дарё, гул ва сув омборлари ҳақидаги мавзуларда ҳам қўллаш мумкин. Масалан:

- Об дарёси қайси ҳудудда жойлашган?
- Нил дарёси қайси давлат ҳудудидан бошланади?
- Амударё дарёси қайси давлат ҳудудларини кесиб ўтган?
- Амазонка дарёси қайси қитъада жойлашган?

Ушбу интерфаол метод ўқувчиларда тезкор фикрлаш, ҳозиржавоблик, ҳамфикрлик ва ўзаро ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини шакллантиради.



ХУЛОСА

Ўзбекистонда илм-фан тараққиёти, ахборот муҳитининг кенглиги, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожланиш суръати узлуксиз таълим тизимига давр талаби нуктаи назаридан янгича қарашни, уни жамият талаблари ва шахс эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, миллий кадриятлар асосида жаҳон таълим стандартлари даражасига кўтаришни тақозо этмоқда.

Шундай экан, порлоқ келажагимизнинг асоси таълим-тарбия сифатидир. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов: «Энг янги замонавий ўқув воситалари билан таъминланган коллежларда эскидан қолган ўқитиш услубларининг давом этишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди» деб алоҳида кайд этганлар. Президентимизнинг юқоридаги фикрлари таълим тизимида интерфаол методларнинг дидактик аҳамияти тўғрисида мулоҳаза юришимизга асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўқув жараёнига илғор педагогик технологиялар ва интерфаол методларнинг жорий этилиши мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида эътироф этилди.

Таълимнинг интерфаол методларини дарс жараёнига жорий этиш тажрибасини ўрганиш ва унга ижодий ёндашиш, инсонпарварлаштириш, бунда ўқувчини суут объектдан фаол субъектга айлантириш, билиш фаолиятининг аниқ мақсадларга йўналганлигини ҳамда ўқув жараёнини ишлаб чиқариш жараёни каби такрорланувчанлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бугунги кунда таълим тизими ташхисланувчан ўқув мақсадларини белгилаш, жорий ва якуний мезоний баҳолаш, репродуктив ўқитишни алгоритм бўйича олиб бо-

риш, ўқувчи-талабаларни мустақил билим олишга ундаш, ўқув жараёнини доимо ривожланиб боровчи динамик тизим сифатида лойиҳалаш каби ташкилий-услубий ишларни амалга оширишда катта имкониятларга эга.

Таълимнинг интерфаол методлари доирасида яратилган турли хил дидактик конструкцияларга мурожаат қилиш ўқув жараёнини ташкил қилишга оқилона ва ижодий ёндашишга, ўқитувчи ўз эркинлигига эга бўлиши ҳамда дарсда қўлланиладиган турли шакл, услуб ва воситалар самарадорлигини ўзи баҳолашига имконият яратади. Шунинг таъкидлаш лозимки, интерфаол методларнинг тамойиллари ва қоидаларига амал қилиш ўқув жараёни мазмунини ўқувчи шахсига, унинг қизиқишлари, интилишлари ва индивидуал ўзлаштириш суръатларига мувофиқ ҳолда олиб борилишини таъминлайди.

Интерфаол методларнинг туб моҳияти ўқитишнинг анъанавий, ўқитувчи томонидан баён қилиш, ўқувчиларга тайёр билимларни бериш методидан воз кечиб, ўқувчиларни кўпроқ мустақил таълим олишга, теран фикрлашга ундашдан иборат. Бунда ўқитувчи ўқувчилар билиш фаолиятининг бошқарувчиси, маслаҳатчиси, якуний натижага йўлловчи шахс вазифасини бажаради. Интерфаол методларнинг самарадорлиги яна шундан иборатки, унда турли фан ўқитувчилари ўз фанлари бўйича деярли бир хил якуний натижага эришиш имкониятига эга бўладилар.

Ўқувчининг мургак қалбига эзгулик уругини қадайдиган, илмга ташналик, Ватанга меҳр ҳиссини уйғотадиган улуг зот ўқитувчидир. Зеро, буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний айтганларидек: «Ҳар бир ўқитувчининг саодати, давлатнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир».

Интерфаол методларни узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида қўллаш ўқувчиларга ҳар бир фандан илмий тушунча ва қонуниятларни ўрганиб қолмасдан, бал-

ки уни келтириб чиқарувчи сабабларни ҳам аниқлаштиришга ёрдам беради. Шундай экан, дарс жараёнида интерфаол методларнинг жорий этилиши ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро педагогик ҳамкорликни юзага келтиради.




Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. – Т., Шарқ. 1997.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Т., 1997.
4. Азизходжаева Н.Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар. – Т., «Молия» нашриёти, 2002.
5. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии и обучения. М., 1995.
6. Бордовский Г.А, Извозчиков В.А. Новые технологии обучения. Педагогика. 1993.
7. Ишмухамедов Р. Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Т., Ниҳол. 2013.
8. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. М., «Знание». 1989.
9. Олимов Қ.Т., Сайидахмедова М., Жалолова Д., Бозорова М.Қ., Педагогик технологиялар. – Т., «Фан ва технология» нашриёти, 2011.
10. Омонов Ҳ.Т., Хўжаев Н.Х., Мадьярова С.А., Эшчонов Э.У. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т., дарслик, 2007.
11. Очиллов М. Ўқитувчи одоби. Т., 1998.
12. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технология. – Т., «Молия» нашриёти, 2003.
13. Тализина Н.Ф., Габай Т.В. Пути и возможности автоматизации учебного процесса. М.: «Знание», 1987.
14. Юнусов Т. Ёш ўқитувчилар билан ишлашни такомиллаштириш йўллари. – Т., 1990 й.
15. Юлдашева Н. Маҳорат дарслари. – Т., Абу Матбуот Консалт. 2015.
16. Фарберман Б.Л. Прогрессивне педагогические технологии. Т., ИПВССШ. 1999.
17. XXI аср – интеллектуал авлод асри. – Т., Шарқ. 2015.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| Кириш | 3 |
| Таълим жараёнида интерфаол методлардан самарали фойдаланиш имкониятлари | 6 |
| Интерфаол методлар ўқувчи фаолиятининг ривожланиш динамикасига таъсир этувчи омил сифатида | 18 |
| «Елпигич» технологияси | 23 |
| «Сўз топиш» | 26 |
| «Бир-бирингизни билинг» | 27 |
| «Синквейн» | 27 |
| «Зинапоя» | 28 |
| «Доира ичига яширинган ҳарфлар» | 30 |
| «Дунёни сонлар бошқаради» | 30 |
| «Домино» | 32 |
| «Ким кўп билади?» | 33 |
| «Беш дақиқа» | 33 |
| «Нимага ва нима учун?» | 34 |
| «Занжир» | 34 |
| «Фозил одамлар шаҳри»га саёҳат | 35 |
| «Учинчиси ортиқча» | 36 |
| «Почта» | 37 |
| «Ракамли ҳикоя» | 37 |
| «Бир саволга уч жавоб» | 38 |
| «Синдикат» методи | 38 |
| «Дельфи» | 39 |
| «Бу меники» | 39 |
| «Б/Б/Б» | 40 |
| «Инсерт» | 41 |
| «5x5x5» технологияси | 43 |
| «Юмалокланган қор» | 44 |
| «Балиқ скелети» | 45 |
| «Т» - жадвал | 46 |
| «Муаммоли ўқитиш» | 47 |
| «Нилуфар гули» | 49 |
| «Ақлий ҳужум» | 50 |
| «Ким биринчи?» | 50 |
| Хулоса | 52 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 55 |

Lined writing area with horizontal lines.





"ABU MATBUOT-KONSALT"

ISBN 978-9943-4154-3-0



9 789943 415430